

## МУСТАҲКАМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ

**Турабоева Феруза Кушмат қизи**  
*Ижтимоий иш йўналиши талабаси*  
*Фарғона давлат университети*

**Аннотация:** Ушбу мақолада давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилётганини, оилада хотин-қизларнинг тутган ўрни ва уларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш борасида амалга оширилаётган масалалар ҳусусида фикрлар баён қилинади. Шунингдек, оила ва жамиятимизда хотин-қизлар масаласига оид муаммолар борлиги, унинг ечими борасида илмий ҳулосалар берилади.

**Калит сўзлар:** Оила, хотин-қизлар, ижтимоий тенглик, гендер, бандлик, маҳалла, ҳамкорлик, фидоийлик.

*“Аёлларимиз ҳаётий муаммоларни, оила ва маҳалладаги ўтқир масалаларни, уларни бартараф этиш йўлларини жамиятнинг томир уришини бошқалардан кўра яхшироқ биладилар. Улар ўзларининг меҳрибонлиги, юксак масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўла оладилар”.*

*Ш. Мирзиёев*

Ҳар қандай жамият тараққиётида оила мустаҳкамлигининг ўрни беқиёсдир. Ҳар бир оиланинг соғлом бўлиши, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, мана шу муҳитда дунёга келиб шахс сифатида шаклланиб, сўнгра ўзи яшаётган давлатнинг фуқароси сифатида ўз давлатининг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти тараққиётини таъминловчи, ҳал қилувчи омил бўлган инсон камолотига – оиланинг ўрни беқиёсдир.

Оиланинг мустаҳкамлиги жамиятнинг иқтисодий-сиёсий, миллий ҳавфсизлигини, унинг равнақини белгиловчи омил ҳисобланади.

Эътироф этиш лозимки, маънавий етук оила маънавияти юксак жамиятнинг таянчи сифатида қадрланади.

Биз оилани илк тарбия ўчоғи сифатида эътироф этамиз. Мана шу оиланинг устун тарбияланувчиларини бошқарувчи зот – Она! Албатта она яратганнинг буюк мўжизасидир, чунки она авлодлар давомийлигини, оила тинчлигини таъминлайди, баркамол авлодни тарбиялайди, келажакни яратади. Дарҳақиқат, Аллохнинг мўжизаси билан Пайғамбаримиз Мухаммад Алайҳиссаломни дунёга келтирган зот – аёл, Амир Темурни бешигини тебратган зот ҳам аёл, Навоийни оқ сут бериб катта қилган ҳам аёл, тунларни бедор ўтказиб, Улуғбекни вояга етказган ҳам аёл.

Шундай экан, аёл кишига энг аввало миллат тарбиячиси сифатида қарамоқ лозим.

Аллома ва мутаффакирлар ҳам бахтли, тинч оила қуриш, оила бахтини сақлаб қолиш, турмуш қийинчиликларини енга билиш ҳамда фарзандлар тарбияси аёлларга хос хусусиятлар ва уларга амал қилиш каби ўғитларни мерос қилиб қолдирганлар. Улар қолдирган таълимотларининг бугунги кунда ҳам аҳамияти беқиёсдир.

Буюк мутаффакир Алишер Навоийнинг “ Махбуб ул қулуб ” асари оила ва оилада аёлларнинг ўрни ҳақидаги асар бўлиб, асарда аёлларга бир қатор маслаҳатлар берилган. “ Оила бахти ва тинчлиги аёлга боғлиқ. Оила аёли ораста, саранжом, оқила бўлса, оила тинч, бахтли яшайди,” дейилган асарда.

Оилада соғлом муҳитни яратиш, фарзанд тарбияси, бурч ва масъулият каби муқаддас тушунчаларни болалар онгига сингдириб бориш, энг аввало аёл зиммасига тушади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тадбирда мамлакатимиз аёлларини муборакбод этиб нутқ сўзлади:

“Ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, одамзод муқаддас Она сиймосини, мўътабар аёл зотини улуғлаб, ҳамиша шарафлаб келади. Оналаримиз шарофати билан Ватанимиз тупроғи жаннат боғларидек гўзал ва бебаҳодир. Оналар дуосидан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор”, - деди давлатимиз раҳбари.[1]

Аёллар - жамиятнинг етакчи кучларидир. Зеро аёл келажак авлодни ватанпарвар, илмпарвар, оилапарвар шахс сифатида тарбияловчи ҳамда юксак маънавият, илм ва савод, рўзғор юритиш, муомала маданияти каби бир қатор эъзозли қадриятларимизнинг сақловчисидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш, фуқоролик ролини ошириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони қабул қилиниб, қуйидаги асосий масалалар кўндаланг қўйилди:

- жамиятда "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш;

- оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, "Соғлом оила - соғлом жамият" ғоясини ҳаётга тадбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат

сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш;

-хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш;

-хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

-хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни айниқса қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш; [2]

Ушбу фармонни қабул қилишдан асосий мақсад хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жихатдан янги боқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини мустахкамлаш, салоҳиятини тўла намоён этиши, оилалардаги ижтимоий маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади. Ҳукумат томонидан чиқарилаётган қарор ва фармойишларда аёллар, оилалар, фарзандлар манфаати ҳамиша устувор бўлиб келмоқда. Бу саъйи ҳаракатлар аёлларнинг жамият ҳаётида фаоллиги орқали ўз ифодасини топмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Янги Ўзбекистон жамиятининг маданий тараққиёти, давлатимиз келажаги ҳам ривожланган давлатлар орасида тутган ўрни ва салоҳияти ҳам, дунёқараши билими, Ватан, жамият ва оила олдидаги бурчи ва масъулиятини англаш бугунги кун хотин-қизларига боғлиқдир.

Оилада рўзғор тебратишдан тортиб, давлат ва жамият қурилиши, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият-санъат ва спорт соҳаларини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ҳақида қайғурар эканмиз, бу масалалар ечимига йўл топишда қуйидаги таклифларни муҳим деб ҳисоблаймиз:

- Оила ва болалар билан ишлашда маданий тарбия хусусиятларига эътибор бериш;
- Маҳаллада ота-оналарнинг мафкуравий педагогик, психологик билим савиясини ошириб бориш;

Ҳозирги кунда жамиятимизда аёлларнинг ўрни қанчалик юқори бўлса, оила мустахкамлигидаги ўрни ҳам беқиёсдир. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг салкам 17 миллионини аёллар ташкил этади. Бизнинг

мамлакатимизда хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги ва гендер масалаларига катта эътибор берилиб келинмоқда.

2019 йилнинг 16, 17 февраль кунлари БАА нинг Дубай шаҳрида Бутунжаҳон аёллар форуми бўлиб ўтди. Форумнинг дастлабки кунда Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш комиссияси аъзоси Саида Мирзиёева нутқ сўзлади. У ўз нутқида: “Бугун бу ерда эканимизнинг боиси – тажриба алмашиш, бир-биримизни қўллаб-қувватлаш ва руҳлантириш, қолаверса жамиятларимиздаги аёлларнинг ролини ошириб, уларга инсоният цивилизациясига ўз ҳиссаларини қўшиш имкониятини яратиб беришдир. Шунга аминманки, ўзбек аёлларининг ҳам дунёга айтар сўзи бор – улар инсониятнинг иқтисодий ва маданий тараққиётига салмоқли ҳисса қўша олишади”. “Давр тақозоси билан биз, ҳам яхши она, ҳам яхши мутахасис бўлишимиз, жамиятнинг олд қаторларида юриш билан бирга оиладаги молиявий барқарорлик ҳақида қайғуришимиз лозим”-дея таъкидлади. [3]

Дарҳақиқат, оиланинг барқарорлиги бу жамият барқарорлигидир. Инсон борки, яхши ҳаёт кечиришга интилиб яшайди. Бугунги кунда оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ва маданий манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси оилани мустахкамлаш, унинг моддий аҳволини яхшилаш, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсади сари йўналтирилган.

Ватан оила деб аталмиш қўрғондан бошланади. Демак, оиланинг пойдевори мустахкам бўлса, жамият ҳам мустахкам пойдевога эга бўлади.

Ҳулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар қандай миллат тараққиётининг негизида - оила, аёл ётади. Шу боис ҳам, Президентимиз томонидан билдирилаётган юксак ишонч ва эътиборга муносиб бўлган ҳолда, юртимиз равнақ топишида улушларини қўшиб, вазифаларига масъулият билан ёндашиш ҳар бир хотин-қизларнинг муқаддас бурчидир. Зеро, жамиятимизда оила ва аёллар масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, доимо эътиборга молик масала сифатида қаралмоқда.

"Аёл - бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади", - деб бежиз айтилмаган. Чунки, аёл оилада фарзандлар тарбияси билан шуғулланиши билан бирга, жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоғи лозим.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.

2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Глобаллашув шароитида электроэнергетика тармоғида стратегик бошқарув усулларидан самарали фойдаланиш. Иқтисодиёт ва таълим, 5, 357-363.
3. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.
4. Ханкелдиева, Г. Ш. (2020). Пути эффективного развития инновационной деятельности производственных предприятий республики узбекистан. In Наука сегодня: теория и практика (pp. 29-32).
5. Хамракулов, И. Б. (2023). ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 2(23), 398-402.
6. Хамракулов, И. Б. (2023). ЖАҲОНДА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» НИНГ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(4), 2361-2366.
7. Хамракулов, И. Б. (2023). НЕОБХОДИМОСТЬ И ВАЖНОСТЬ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКИ. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 6(4), 1142-1146.
8. Bakhtiyorovich, K. I. (2023). DEVELOPMENT OF MONITORING INSTRUMENTS OF EFFICIENCY OF SMALL INDUSTRIAL ZONES. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(4), 1994-1999.
9. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Scientific progress, 3(1), 328-334.
10. Хамракулов, И. Б. (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. Scientific progress, 2(7), 586-592.
11. Хамракулов, И. Б. (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(Special Issue 2), 140-146.
12. Ханкельдиев, Ш. Х., & Саидахматов, А. В. (2021). Инновационные подходы к повышению уровня специальной физической подготовленности юных таэквондистов. Наука сегодня: история и современность [Текст]: материалы, 40.
13. Ханкельдиев, Ш. Х., & Султанова, Н. Я. (2021). Физическое развитие учащихся девушек среднего школьного возраста общеобразовательных школ. In НАУКА СЕГОДНЯ: ЗАДАЧИ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ (pp. 74-75).
14. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. Universum: химия и биология, (5 (71)), 5-9.

15. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research, 3(01), 113-117.
16. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 36-39.
17. Бахтиёрович, Ҳ. Ж. (2022, August). ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ. In E Conference Zone (pp. 13-16).
18. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).
19. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
20. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ (pp. 59-61).
21. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ (pp. 49-51).
22. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research, 11(10), 233-237.